**Ушбу сонда:**

2 ОЗОДАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

3 САНАТОРИЙЛАР ИШИДАН МАМНУНМИСИЗ?

4 МАЙДОНДА ҚИРҚ ЁШДАН ОШГАНЛАР



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 апрел, чоршанба №50 (697)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


# ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига сафари ниҳоясига етди. Уч кунлик ташриф давомида давлатимиз раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир доирасида бўлиб ўтган Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ялпи мажлисида иштирок этди, АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан музокаралар ўтказди, турли йирик халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашди. Президент сафардан қайтаётиб, журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон жамики тараққийпарвар давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан АҚШ ҳамда НАТО билан ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик қилиш, дўст бўлиш тарафдори эканини таъкидлади. Дўстлик дегани эса оғалик ёки инилик даъвосини суриш эмас, балки бир-бирини тушуниш, бир-бирига кўмаклашиш ва ўзаро тенг ҳамкорликдир. Президент Ислом Каримовнинг АҚШга сафари айни муддаога эришиш йўлида мамлакатимиз учун, унинг эртанги куни учун муҳим аҳамият касб этади.**





Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи ҳақида гап кетганда, аввало унинг учта муҳим жиҳатига тўхталиб ўтиш керак бўлади. Бинобарин, айни шу жиҳатлар мазкур сафарнинг моҳиятини очиб беради. Аввало, ташрифнинг бош сабаби - НАТО саммити ва ушбу тадбир асносида Ўзбекистон-НАТО муносабатлари ҳақида. Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг фаол иштирокчиси саналади. Дастур асосидаги ўзаро мулоқот эса ҳарбий-ўқув машқлари доирасида кечаяпти. Лекин биз кўзлаган мақсад НАТОга аъзо бўлиш эмас. Бунинг иккита сабабини айтиб ўтишимиз мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор тамойилларидан бири ҳеч қандай ҳарбий блокларга аъзо бўлмасликдир. Президент Ислом Каримов бу масалани янада содда қилиб тушунтириб айтдики, бирорта ўзбек аскари ўз мамлакатимиз чегаралари ҳудудидан ташқарига бориб, ҳар хил можароларда иштирок этмайди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий-жўғрофий ҳолати ҳам бирор бир ҳарбий блокка кириш амалига тўғри келмайди. Яъниким, мабодо шунга амал қилинадиган бўлса, бу минтақадаги хавфсизлик мувозанатига путур етказиб қўйиши мумкин. Гарчанд минтақамиздаги айрим давлатлар ўз саъй-ҳаракатлари билан минтақа хавфсизлигига раҳна солаётган бўлса-да, Ўзбекистон раҳбарияти буларга қарши ҳаракат қилмаслигини очиқ-ойдин маълум қилган. Аксинча, бизнинг мақсадимиз минтақамизда тинчлик ва барқарорлик бўлишини, халқимизнинг ҳақиқий эркин ва фаровон ҳаётга эришишини таъминлашдир. Бу борада нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Осиё минтақаси давлатлари ичида энг кўп жон куйдираётган мамлакат Ўзбекистон, десак муболаға ҳам, нокамтарлик ҳам бўлмайди. Ўзбекистон-НАТО муносабатларининг асл моҳияти ҳам шу - давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш қолаверса минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Бугунги кунда дунёдаги 19 мамлакат НАТОнинг тўлақонли аъзоси саналади, қирққа яқин давлат ушбу алянс билан ҳамкорлик қилади. Мазкур Шимолий алянс билан, НАТОга аъзо ҳамда унга шерик давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳим. Ислом Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ялпи мажлисида сўзга чиқиб, Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун зарур омилларга алоҳида тўхталиб ўтди. Аввало, йигирма йилдан бери давом этиб келаётган ва минтақа хавфсизлигига катта таҳдид солаётган афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш. Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиздир. Агар Европанинг бирор бир нуқтасида кичкинагина жанжал чиқсаю уч-тўрт киши қурбон бўлса, масала дарров жаҳоншумул аҳамият касб этади. Ҳолбуки, Афғонистонда кунига юзлаб одамлар уруш туфайли ҳалок бўлаётгани жаҳон аҳлида унчалик ҳам катта ташвиш туғдирмаётгани ажабланарли. Фикримизча, бунинг сабаби жаҳон хавфсизлик тизимида мувозанат йўқлигидадир. Ўзбекистоннинг, қолаверса бошқа давлатларнинг ҳам НАТО билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётгани айни мувозанатни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Негаки, биз истаймизми, йўқми, бугунги кунда НАТО дунёдаги ҳар қандай зўравонликка ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қарши тура оладиган ягона ташкилот бўлиб қолаяпти. Хусусан, Босния воқеалари НАТОнинг дунё учун кераклигини аниқ-тиниқ исбот қилган эди.

Иккинчидан, ядро қуролига эга давлатлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик зарур. Негаки, кейинги вақтда Жанубий Осиёда ўтказилган ядро синовлари кишини ташвишга солади. Учинчидан эса, минтақада диний экстремизм ва фундаментализмнинг тарқалишига йўл қўймаслик лозим. Айтиш мумкинки, бугун айнан диний экстремизм ва фундаментализм ер юзидаги кўплаб урушлар, можароларга ҳаво бериб турибди. Тўртинчидан эса, терроризм ва зўравонлик, қурол-яроғ ҳамда наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашни кучайтириш зарур. Айни шу масалаларда Ўзбекистон НАТОнинг ва унга шерик бошқа давлатларнинг кўмагига эҳтиёж сезади.

Бир сўз билан айтганда, НАТО бугунги кунда умуминсоний қадриятлар, демократия йўлида собит бораётган давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун хизмат қиладиган халқаро институтдир. Бундан буёғига ушбу алянс ҳарбий эмас, балки кўпроқ сиёсий ташкилот сифатида обрў-эътибор қозонса, ажаб эмас. Ҳар ҳолда, ташкилот доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, унинг келгуси асрдаги фаолиятига доир режалар шундан далолат беради.

Ташрифнинг яна бир муҳим жиҳати хусусида, яъни Ўзбекистон раҳбарининг халқаро ташкилотлар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувларига тўхталиб ўтсак. Қизиғи шундаки, илк учрашув Ислом Каримов ўтирган самолёт ҳали манзилга етиб бормасданоқ бўлиб ўтди. Яъни, давлатимиз раҳбари сафар чоғида Голландия пойтахти Амстердамда тўхтаб ўтди ва бу ерда Европа Иттифоқи Комиссияси Комиссари Ханс Ван Ден Брук билан учрашди. Учрашувда, асосан Ўзбекистон, қолаверса, Ўрта Осиё мамлакатларининг коммуникация имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

24 апрел куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида Ўзбекистон, Грузия, Озарбойжон, Украина ва Молдова Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув самараси ўлароқ, Грузия, Украина, Озарбойжон ҳамда Молдова ўртасидаги ҳамкорлик тузилмасига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Демак, бундан буён бу тузилма ГУУАМ, деб юритилади. Ушбу тузилма ўзаро жўғрофий жойлашувга асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади иштирокчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, коммуникацияни ривожлантиришдир. Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбарларининг 1997 йил Страсбургда бўлиб ўтган учрашувида тузилган ушбу бирликнинг дастлабки келишуви Ғарбга қурол-яроғ тарқалишининг олдини олиш бўйича бўлган эса-да, ҳозирги кунга келиб унинг вазифалари сезиларли даражада кенгайди. Мазкур бирлик доирасида ҳамкорлик қилиш, бизга, айниқса, коммуникацияни ривожлантириш учун муҳим. Биламизки, транспорт коммуникацияси масаласи денгиз портларидан узоқда жойлашган Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Шу боисдан Ўзбекистон Буюк Ипак йўли, ТРАСЕКА доирасидаги ишларда фаол иштирок этаяпти.

Ислом Каримовнинг «Эксимбанк» президенти Ж.Ҳермон билан мулоқоти, шунингдек, Капитолийда Ўрта Осиё ҳамда Кавказ давлатлари раҳбарлари билан бирга АҚШ сенаторлари билан учрашуви ҳам ташрифнинг муҳим воқеаларидан бўлди. Шу ўринда, АҚШ сенаторлари билан бўлган учрашув ҳақида бироз тўхталиб ўтсак.

Сенатор Сэм Браунбэк учрашувни очар экан, айни вақтда АҚШ сенати «Буюк Ипак йўли - XX1 аср» номли қонун қабул қилишга чоғланаётганини маълум қилди. АҚШнинг Буюк Ипак йўлига қизиқаётгани хайрли, албатта. Табиий бир савол туғилади: нега Буюк Ипак йўли орадан икки минг йил ўтиб яна муҳим стратегик аҳамият касб этаяпти? Сабаб шуки, бугун бу йўлдан нафақат мазкур минтақа давлатлари, балки Европа мамлакатлари, шу жумладан АҚШ ҳам катта манфаат топиши мумкинлиги тобора яққолроқ намоён бўлаяпти. Давлатимиз раҳбари сенаторлар билан учрашувда сўзга чиқиб, йиғилганларнинг эътиборини Буюк Ипак йўлини ривожлантиришга қандай омиллар, кучлар халал бериши мумкин, деган масалага қаратди. Сир эмаски, айрим мамлакатлар Ўрта Осиё ва Кавказ давлатларининг Ғарбга томон янги алоқа коридорларига эга бўлишини хоҳламайди. Айниқса, мазкур минтақадаги нефт ва газни жаҳон бозорига чиқариш учун янги йўналишларнинг пайдо бўлаётгани уларнинг пайтавасига қурт тушираётир. Иккинчидан, диний экстремизм ва фундаментализмнинг мазкур минтақа мамлакатларида тарқалиши ва бунинг асносида юзага келадиган беқарорлик ҳам давлатларимизнинг ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларига путур етказиши мумкин. Учинчидан эса, айрим давлатлар ҳамон шовинистик кайфиятдан халос бўла олмаётгани билан боғлиқ. Улар минтақада ўз таъсирларини сақлаб қолиш учун турли амаллардан фойдаланяпти. Бу ҳаракат эса Буюк Ипак йўлини тиклаш, ўзаро интеграциялашув йўлидан бораётган давлатларнинг мақсадига зид. Ва ниҳоят, Осиёдаги айрим давлатлар ўз стратегик мақсадларини кўзлаб Буюк Ипак йўлининг тикланишига ва ривожланишига халал бериши мумкин. Шунинг учун бу ҳақда гап кетганда юқорида тилга олинган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Ўзбекистон Президентининг Жаҳон банки гуруҳи Президенти Ж.Вулфенсон, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш.Сугисаки билан олиб борган музокаралари ҳам ғоят самарали бўлди.

Ниҳоят, сафарнинг яна бир муҳим жиҳати - Ўзбекистон-Америка муносабатлари ҳақида. Давлатимиз раҳбарининг ташриф давомида АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожида муҳим аҳамият касб этажаги шубҳасиз. Хусусан, Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувни алоҳида таъкидлаш керак.

Шу ўринда Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ҳақидаги айрим фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги вақтда бу икки мамлакатнинг бир-бирига сезиларли даражада яқинлашгани кузатилди. Бу сунъий эмас, балки табиий жараёндир. Ёдимизда, юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда АҚШдаги айрим сиёсатдонларнинг Ўзбекистон ҳукумати сиёсатидан хийла норозилиги сезилиб турарди. Бугунги кунга келиб эса бундай кайфият ўрнини хайрихоҳлик эгаллади. Зеро, муносабат бир-икки кунда ўрнатилмайди, бунинг учун йиллар керак. Бугун АҚШ Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги стратегик ҳамкори ҳисоблайди. Бунинг сабаби нимада? Ислом Каримов бунинг сабабини изоҳлар экан, ушбу ҳол Ўзбекистон танлаган йўл тўғри, юритаётган сиёсатимиз эса изчил ва оқилона эканининг оддий бир исботидир, деди. Ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам.

Лекин Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида ҳаракат фақат бир томондан бўлаяпти, дейиш густохлик бўлур эди. Бугун нафақат Ўзбекистон АҚШ билан, балки Америка ҳам биз билан ҳамкорлик қилишдан манфаат топиши турган гап. Шу хусусда сўз кетганда, бир гапни айтиб ўтиш керак. Ўзбекистоннинг АҚШ билан яқинлашишга интилиши ҳеч қандай давлатга қарши қаратилган эмас. Бу ҳақда Ислом Каримов 1997 йил россиялик журналистлар билан бўлган учрашувида очиқ-ойдин баёнот берган эди. Нафсиламбирини айтганда эса, Америка Қўшма Штатларига нафақат биз, балки дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас билан қараши рост. Негаки, бугунги кунда бу давлатдаги ривожланиш, одамларнинг турмуш шароити, фан ва техника, замонавий технология ҳақиқатан ҳам кўпчиликнинг ҳавасини келтиради.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга уч кунлик сафари, ташриф давомида бўлиб ўтган қизғин учрашувлар, муҳокама этилган масалалар замирида бир ҳол кўзга яққол ташланиб турди: Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун ҳамкорликни янада кенгайтириш, кафолатларни янада кучайтириш лозим. Шу боис бўлса керак, ҳеч бир учрашув ёки тадбирда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш масаласи четлаб ўтилгани йўқ. Зеро, хавфсизлик дегани фақат ҳарбий маънони англатмаслиги барчага маълум ҳақиқат. Хавфсизлик ва барқарорлик бор жойга эса сармоя келади, тараққиёт келади, ҳаёт олдинга қараб силжийди. Ўзбекистоннинг НАТО билан ҳамкорлик қилишдан кўзда тутган мақсади ҳам шу. Кези келганда, НАТО ҳақидаги айрим фикрларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай эканини билдириб ўтсак. Айрим мамлакатлар НАТОни «агрессор»ликда айблаётганидан хабаримиз бор. Айниқса, унинг Югославияга қарши ҳужумидан кейин бундай айюҳанносларнинг саси янада кучайгандек. Лекин кимки бугунги кунда НАТОни «душман» сифатида қабул қилар экан, бу шубҳасиз ўша давлатнинг айбидир. Негаки дунёнинг 19 та демократик, тараққий топган давлати аъзо бўлган ушбу халқаро ташкилотни муросасизликда айблаш нотўғри. Буни НАТОга кирган давлатлар қандай мамлакатлар, деган савол асносида англаса бўлади. Уларнинг бирортаси Европа тупроғида уруш бўлишидан манфаатдор эмас. Косово муаммосининг илдизини эса бундан ўн йил олдинги воқеалардан қидириш керак. 1989 йил Слободан Милошевич косоволик албанларнинг мухториятини йўқотиб, бу ҳудудда уруш оловини ёққан эди. Югославияда бугунги нотинчликларнинг сақланиб туриши ҳам ўша ўн йил олдинги сиёсатнинг давом этаётгани натижасидир. НАТОнинг кимларгадир хавфли кўриниши ажабланарли ҳол. Агар ушбу алянс чиндан ҳам хавфли бўлганида, у Шарққа томон кенгаймаган, қанча-қанча давлатлар эса унга аъзо бўлишни сабрсизлик билан кутмаган бўлар эди.

Сўзимиз бошида айтганимиздек, Ўзбекистон НАТО ёки АҚШ, ёхуд бошқа халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан шу маънода манфаатдорки, бу бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимиз, фаровон ҳаёт кечиришимизни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар бир-икки кунда ўз самарасини бермаса, буни ҳам тўғри тушуниш керак. Негаки, бугун қилинаётган барча ишлар эртанги кун, келажак авлод учундир. Келажак авлод эса Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт!

27 апрел куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вашингтондан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Фарҳод АРЗИЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Вашингтон-Тошкент.**

*9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни*

# ЎТГАНЛАР ЁДИ МУҚАДДАС

**Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб ўз юртига қайтмаган юртдошларимизнинг кўз олдида туғилган уйи, ота-онаси, севимли ёри, униб ўсган қишлоғи турганлиги аниқ. Республикамиз раҳбарининг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги Фармони ана шундай жасур ва табаррук инсонларга бўлган меҳрибонликнинг ёрқин намунасидир.**

Инсон азиз, қадр-қиммати ундан-да азиз. Ҳар бир ўтган кишининг хотираси муқаддас! Ҳозирги кунда юртбошимизнинг Фармонларини амалга ошириш борасида юртимизда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоят ҳокимлиги Хотира ва қадрлаш кунини муносиб ўтказиш юзасидан махсус қарор қабул қилди.

Унга асосан вилоятнинг барча туманларидаги уруш қурбонларига ўрнатилган ёдгорликлар таъмирланмоқда, Жиззах шаҳрида эса Хотира ва қадрлаш мажмуаси бунёд этилмоқда.

- Қурилиш майдонининг умумий ҳажми 12 гектардан иборат,-дейди қурилиш штаби бошлиғи Эркин Холматов.- Бугун ушбу мажмуа умумхалқ ҳашари ўтказиладиган жойга айланди. Кунига 250-300 нафар қурувчи, 450-500 га яқин ҳашарчилар мажмуани бунёд этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мажмуанинг маркази ҳисобланмиш мотамсаро Она ҳайкали ўрнатиладиган жой ҳам тайёр бўлди. Бу ерга тошкентлик истеъдодли ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жалолиддин Миртожиев ишлаган, баландлиги 5 метрдан иборат бўлган маҳобатли мотамсаро Она ҳайкали ўрнатилади.

Мажмуа бўйлаб юрар экансиз, халқимизнинг юрт озодлиги, бахтли ҳаётимиз деб жон фидо қилганлар хотирасини улуғлаш, ҳозирда ҳаёт бўлганларнинг эса иззат-ҳурматини жойига қўйиш борасида қилаётган саъй-ҳаракатларига тасаннолар айтасиз.

**Шавкат ЁҚУБОВ.**




# ЮРТИМИЗГА ДАСТЛАБКИ ТАШРИФ

**Яна икки кундан сўнг Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуасида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бошланади.**

Шу кунларда Тошкент аэропорти ҳар доимгидан ҳам ўзгача тус олган. Бу ерга кураш бўйича I Жаҳон чемпионати иштирокчилари келишмоқда. Уларнинг орасида хорижий мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб кураш бўйича миллий Федерация тузган ва спортнинг шу тури бўйича дастлабки мамлакат чемпионатини ўтказган Япония делегацияси ҳам бор. Тошкент аэропортида ҳурматли меҳмонларни кутиб олиш маросимида улар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

- Бизнинг мамлакатимиз биринчи бўлиб кураш бўйича миллий Федерацияни тузгани ва мамлакатнинг биринчи чемпионатини ўтказганидан бахтиёрмиз, - деди Япония кураш Федерацияси Президенти Риочи Хоказано. - Маданияти ва урф-одатлари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлган халқларимиз ўртасида бир-бирини яхшироқ билиб олиш учун яна бир ноёб имконият пайдо бўлди. Кураш бўйича бўлажак биринчи жаҳон чемпионатида 50 дан ортиқ мамлакат спортчилари иштирок этса ҳам, биз ғалабадан умидимизни узмаймиз. Агар ташкил этилган миллий Федерациямиз хусусида гапирадиган бўлсам, 25 киши Федерацияда иш юритади. Асосий ишлар эса уч кишининг зиммасига юкланган. Хабарингиз бор, 28 мартда Японияда кураш бўйича дастлабки мамлакат чемпионатини ўтказдик. Унда 35 киши иштирок этди. Баҳсларни Токио шаҳридаги Шенжекун туманида ўтказдик. Унда Хироюки Жоноучи (73 кг), Коя Сео (90 кг), Хироваши Камимото (мутлоқ вазн)лар ғолиб бўлишди. Ўтган йил сентябр ойида Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилгандан сўнг, биз Комилжон Юсупов билан миллий Федерация тузиш, доимий мусобақалар ўтказишга келишиб кетдик. Жаҳон чемпионати ўтказилишига яхши муносабатдамиз. Ҳомийлар бизни қўллаб-қувватлашаяпти. Биз ҳам уларнинг ишончларини оқлашга ҳаракат қиламиз. Бу жаҳон чемпионатида кучимиз қандай эканлигини билиб олишимиз мумкин.

Ҳа, беллашувлар ўта муросасиз кечади. Ҳар бир спортчи ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш учун мардлар майдонига ташриф буюради. Юртимизда ўтказиладиган катта кураш мусобақалари, унда иштирок этган дунёнинг манаман деган полвонлари ўртасидаги беллашувлар ҳақида ҳикоя қилиш, албатта қувончлидир. Ахир қувонмай, ҳаяжонланмай бўларканми? Не бахтким, курашимиз бутун сайёрамиз бўйлаб тарқалади. Махтумқули, Акобир, Баҳром, Шуҳрат, Армен, Камол, Тоштемир, Эралию Ботирларнинг ҳақиқий ғалабаси дунё бўйлаб таралсин. Курашимизда энг юқори баҳо «Ҳалол» сўзи билан ифодаланади. Бу - соф ғалаба дегани. Барча полвонларимизга ана шундай баҳо насиб этсин.

**Дониёр ЮСУПОВ.**

*Касаба уюшма ҳаёти: соғломлаштириш ва дам олишни ташкил этиш*

# САНАТОРИЙЛАР ИШИДАН МАМНУНМИСИЗ?

## Янгиликлар, муаммолар, мулоҳазалар

**Мустақил республикамиз иқлими, табиий шароити турли доривор гиёҳларга бойлиги ва бошқа жиҳатлари билан аҳолини соғломлаштиришда жуда катта имкониятларга эга. Бизнинг сиҳатгоҳларимиз эртаклардаги каби энг гўзал ва сўлим табиат қўйнида жойлашган.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳузуридаги Курортлар бошқармаси 17-сиҳатгоҳ ва бир дам олиш уйига эга. Ҳар йили 40-45 минг меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилмоқда ва дам олмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар касаба уюшма ташкилотларида йўлланмаларга эҳтиёж бўлса, ҳар йили мазкур муассасаларда 80-90 минг нафардан кўп кишини соғломлаштириш имконияти бор. Касаба уюшмалари сиҳатгоҳлари мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларида мавжуд. Республикамиз мустақилликка эришгач, бу масалага алоҳида эътибор берилди ва ҳозир қатор сиҳатгоҳ мажмуаларини бунёд этиш юзасидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистонда «Она ва бола» сиҳатгоҳи республикамиз мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Санаторийларимизда даволашда минерал булоқ сувларидан кенг фойдаланилади. Кимёвий хусусиятлари бўйича Кавказ, Россия, Украина ва бошқа бир қатор хорижий давлатлардаги минерал сувлардан қолишмайди.

Курортлар бошқармаси сиҳатгоҳлар маъмуриятлари билан яқин ҳамкорликда даволаш ишларини такомиллаштириш, бальнеофизиотерапевтик даволаш усуллари ва даволаш бадантарбияни кенг қўллаш, мавжуд даволаш-ташхис имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, сиҳатгоҳларнинг мутахассислиги бўйича зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашда аниқ тадбирлар тузиб амалга оширмоқда. Кейинги йилларда бир қатор сиҳатгоҳларда тиббий-даволаш асбоб-ускуналари янгиланди. «Чинобод», «Чимён», «Чортоқ», «Ботаника», Турон, «Қашқадарё соҳили» ва бошқа санаторийларда лазер қурилмаси, компьютер электрокардиограф қурилмалари, кўчма ҳамда стационар биоэлектроактиваторлар ўрнатилди ва ишда яхши натижалар бермоқда.

Курортлар бошқармаси ҳузурида алоҳида ихтисослаштирилган болалар сиҳатгоҳи йўқ. Шунинг учун бир қатор шифо масканларида «Она ва бола» бўлимларини ташкил этдик. Уларнинг умумий ўринлар сони қишда 304 ва ёзда 698 тага режалаштирилган. «Аёллар йили»да эса бу борадаги йўналишни янада чуқурлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Чунончи, аёллар касалликларини даволаш бўйича қўшимча режалар белгиланди.

Деярлик барча сиҳатгоҳларда аёллар кўрик хоналари очилган ва очилмоқда. Билимдон гинекологик шифокорлар билан таъминлаш йўлида яхши ишлар қилинмоқда. Даволанишга келган аёл сиҳатгоҳга келган кундан бошлаб шифокор назоратидан ўтади, касаллик аниқланган тақдирда барча керакли муолажалар қўлланилади.

Умуман олганда гинекологик касалликлар билан даволанишга муҳтожларга курорт даволанишини ташкил этиш ишига ёндошишда туб ўзгариш ясалди. Тошкент вилоятидаги 123-ўринли «8-Март» санаторийсида қўшимча равишда 150 ўринли яхшиланган шароитли янги бино ишга тушай деб турибди. «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Чимён», «Чортоқ» санаторийларда гинекологик бўлимлар очилган.

Курортлар бошқармасига қарашли сиҳатгоҳларда даволаш-ташхис ишларига катта эътибор берилмоқда. Янги, яхши жиҳозланган даволаш-ташхис хоналари очилган. Бунинг натижасида даволаш самарадорлиги анча юқори бўлмоқда. Даволанувчилар умумий сонининг 98,3 фоизи соғлиғи анча яхшиланганлиги бунинг исботидир.

Шифобахш гиёҳлар билан даволаш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистонда алколоидли ўсимликларнинг ниҳоятда кўплиги ва юртимиз олимларининг бу борадаги ишларининг даражаси юқори эканлигини ҳисобга олар эканмиз, мазкур ишлар юзасидан қилинадиган ишларимиз поёни янада кенглигини ва бу борада қатор тадбирлар тузилаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Деярли барча сиҳатгоҳлардаги ошхоналарда овқатланиш ярим ресторан усулида яъни буюртма бериш асосида ташкил этилган. Ҳар бир киши учун бир кунлик таомга 400-500 сўм ажратилмоқда. Овқатларнинг сифатли, дори-дармонли бўлиши энг муҳим томонлардан биридир.

Сиҳатгоҳларда даволашнинг янги-янги усулларини жорий этиш масаласи долзарб ишлардан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтда 21 та янги усул жорий этилди. Шу жумладан «Чортоқ»да игнарефлексотерапия ва сув остида умуртқа поғонасини вертикал тортиш усули, «Турон» сиҳатгоҳида ҳам янги-янги усуллар пайдо бўлмоқда. Яқинда компьютер-лазер ташхис асбоби олинди ва ундан турли хил касалликларни даволаш ҳамда ташхис қўйишда кенг фойдаланилмоқда. Даволаш бўлинмасида бўйин, бел, умуртқани чўзиш қурилмаси ишга туширилди. Шунингдек, 2-ректоскоп тиббий ускунаси сотиб олинди, ҳамда дуоденалзондлаш хонаси ташкил қилиниб, ошқозон, жигар, ўт пуфаги йўлларини ювишда фойдаланилаяпти. «Чинобод» сиҳатгоҳи фаолиятидан ҳам шундай ижобий фикрларни айтиш мумкин.

Жисмоний тарбия, даволаш-соғломлаштириш, теренкур-курорт -даволаш ишининг ажралмас қисмидир. Барча сиҳатгоҳларимизда бунга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳамма санаторийларда даволаш - бадан тарбия учун алоҳида заллар мавжуд. Улар турли жисмоний тарбия анжомлари билан жиҳозланган. Бундан ташқари спорт майдончалари ташкил этилган. Малакали спорт ходимлари шифокорлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Бу ердаги жисмоний тарбия, даволаш ишлари касалликка қараб бир мажмуани ташкил этади. «Турон», «Мироқи», «Чимён», «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳларида бу йўналишда юқори даража таъминланмоқда.

Сиҳатгоҳларда амалий-услубий ёрдам сифатини яхшилаш мақсадида мутахассисларимиз жойларда амалий ёрдамни таъминлашмоқда, таҳлиллар уюштирилмоқда. Яқин кунларда даволаш самарадорлигини ошириш вазифалари юзасидан бош шифокорлар даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари, бош ҳамширалар, дорихона мудирларининг давра суҳьбатини ташкил қилмоқчимиз.

Май ойида халқ табобати ва шифобахш гиёҳлар ёрдамида даволашни кучайтириш мақсадида «Ниҳол» сиҳатгоҳида семинар уюштирмоқчимиз. Шифокорлар малакасини ошириш мақсадида «Турон» ва «Чимён» сиҳатгоҳларида шифокорлар малакасини ошириш институти ёрдамида сайёр ўқувни ташкил этиш ва йил давомида мазкур институт турли кафедраларида 40 нафарга яқин шифокор малакасини оширишни режалаштирганмиз.

Даволаш ишларини яхши ташкил этиш мақсадларида сиҳатгоҳлар ўртасида кўрик-танловни бошлаб юбордик.

Умуман, меҳнаткашларни соғломлаштириш ва дам олишларини яхшилаш мақсадларида ҳаётда синалган илғор тажрибаларни қўллаш билан бирга бу ишда янгиликлар яратиш, замон руҳига мос келадиган иш услубларини ҳаётга жорий этишга интилмоқдамиз. Курорт хизмати илғор иш усулларини кенгайтириш, меҳнаткашларни соғломлаштиришга кўпроқ жалб этиш мақсадларида шу йилнинг апрель-май ойидан 6-12 кунлик амбулаторияга қатнаб даволаш хизматини жорий этамиз.

Шунинг ўзи йил давомида касаба уюшма сиҳатгоҳларида даволанувчилар сонининг 15-20 фойизга кўпайишига олиб келади.

Сиҳатгоҳлар ишини янада яхшилаш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин ишимизда камчиликлар, муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам йўқ эмас.

Ҳар бир касаба уюшма аъзоси сиҳатгоҳга соғлиғини тўла тиклаб олиш, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш ниятида келади. «Чимён», «Чинобод», «Чортоқ» санаторийларида тиббиёт ходимларининг билимли, малакали бўлишлари туфайли иш яхши йўлга қўйилган, уларга йўлланмалар билан одамлар кўп келишади. Лекин доимо ва ҳамма жойда бу мақсад рўёбга чиқаяпти, деб бўлмайди. Айрим сиҳатгоҳларда шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларнинг билим даражаси паст бўлиб қолмоқда. Демак, бундай жойларда соғломлаштириш даражасини қониқарли деб бўлмайди. Чунки, сиҳатгоҳ маъмурияти томонидан талабчанлик етишмайди, малака ошириш ўқувларига ўз вақтида юборилмайди. «Оқтош», «Зомин», «Мироқи», «Ситораи Моҳи Хоса», «Абу Али ибн Сино» ва «Косонсой» сиҳатгоҳлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Кейинги йилларда шифобахш сувдан ташқари балчиқ билан даволаш кенг йўлга қўйилмоқда ва бу яхши натижалар бермоқда. Лекин 17 санаторийнинг 3 тасида ҳанузгача балчиқ билан даволаш бўлинмалари ташкил этилмаган. Бу камчиликни тезда бартараф этиш керак бўлади.

Республикадаги сиҳатгоҳларимизда беш юзга яқин физиотерапевтик тиббий ускуналар бор. Лекин уларнинг ҳаммаси доим ишлайди деб бўлмайди. Айрим жойларда эҳтиёт қисмлар етишмайди важи билан таъмирланмай ётганлари ҳам йўқ эмас. Биз бундай ҳолларга нисбатан муросасиз бўлмоқдамиз.

Санаторий-курорт даволанишида айрим муаммолар борки, уларни бизнинг ўзимиз ҳал эта олмаймиз. Бунда касаба уюшмаларининг ўрни катта. Ўтган йилдан олтита санаторийда она ва бола даволанишига алоҳида эътибор берилди. «Зомин, «Ботаника», «Чимён», «Чортоқ», «Чинобод», «Ниҳол» санаторийларида она-бола даволанишига 698 ўрин ажратилди, бино, палаталарга жиҳозлар қўйилди. Педиатр шифокорлар, тарбиячилар штатга олинди. Болалар учун ўйин майдончалари, махсус хоналар ташкил этилди. Шунга яраша ҳаракат, сафарбарлик бўлди, бироқ режалаштирилган жойга нисбатан одамлар анча кам келди. Жойлар бўш қолди. Лекин ишончим комилки, шу ерга келиши зарур бўлган бетоб болалар бор эди. Касаба уюшма ташкилотлари ва айрим муассасаларнинг бу муҳим ишнинг моҳиятига эътибор бермаганликлари туфайли ана шундай аҳвол рўй берди десам тўғри бўлса керак. Масъулиятсизлик шунгача етдики, она ва бола йўлланмаси билан ёши катта одамлар келган жойлар ҳал бўлди. Агар рақамлардан ифодалайдиган бўлсак, 35-40 фоиз ана шундай йўлланмаларга катталар келишган.

Баъзан бир йўлланмага икки киши санаторийга келишади. Ахир тўла курс даволанмаган одам соғаядими, йўқ. Агар таъбир жоиз бўлса, бу қорни оч одамга ярим таом бериш билан баробар эмасми. Биз бу ҳақда вилоят касаба уюшмаларига телеграмма, хат жўнатаяпмиз, лекин самараси яхши сезилмаяпти.

Касаба уюшма ташкилотларидан даволанувчиларнинг йўлланмаларида кўрсатилган муддатларда келишларини таъминлашни сўраймиз. Мана ёз фасли ҳам яқинлашаяпти. Агар бу ҳолатнинг олди олинмаса яна санаторийларнинг бир меъёрда фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Тегишли ташкилотлар бу ҳақда ўйлаб масъулиятни ҳис этиб, жиддий иш тутсалар айни муддао бўлур эди.

Ишимизда юз бераётган камчиликлардан яна бири ҳудудий касаба уюшмаларидан йўлланмалар учун пулларнинг ўз вақтида келиб тушмаслигидир. Бунинг натижасида Курортлар бошқармаси касаба уюшмалари сиҳатгоҳлари фаолиятини олиб боришда молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, меҳнаткашларни соғломлаштириш ва дам олиши, хусусан курорт-санаторий ишларини ташкил этишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўтган йили курорт-санаторий ишларини яхшилаш ва қурилиш ишлари учун 600 миллион сўм ажратган бўлса, бу йил 700 миллион сўм ажратди. Шунинг ўзи меҳнаткашлар соғлиғини муҳофазалаш ишига жуда катта эътибор берилаётганини исботлаб турибди.

**А.ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузуридаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.**

---

*Шундай одамлар бор бўлсин*

## ЎЗГАЛАР БАХТИ УНИНГ ҚУВОНЧИ

**Орамизда шундай одамлар борки, улар доимо безовта ҳолатда, дунёнинг ташвишлари билан яшайди. Зомин тумани Култепа қишлоғида истиқомат қилувчи Абдукарим ака Мамаёқубовни ана шундай юмушлар оғушида учратиш мумкин.**

Абдукарим ака кўп йиллар ҳайдовчилик қилди. Лекин тақдир тақозоси билан касбини ўзгартиришга тўғри келди. Ҳамқишлоқлари қўйишмади. Аввалги мироб пенсияга чиққач, унинг номзодини кўрсатишди. Абдукарим ака азалдан камтарин, ўта одил ва тўғрисўз киши. Шунинг учун ҳам унинг мироблик қилишига қўшни Ҳайиткултепа, Ўрта, Ўрол, Сўфимозор қишлоқлари аҳолиси ҳам қаршилик қилмади.

Мазкур қишлоқларга ариқ суви қўшни Сирдарё вилояти Ховос туманига қарашли Хўжамишкан сув омборидан келади. Абдукарим ака ҳар бир қишлоққа, хонадонга навбат билан сув тақсимларди. Бунинг учун тунлар ширин уйқудан кечишга тўғри келган. Ариқдаги сувнинг ерга сингиб исроф бўлишининг олдини олиш мақсадида хўжалик раҳбарларининг ёрдами билан 16 километр масофага лоток-ариқлар ётқизишга муваффақ бўлди.

Президентимиз Фармони асосида қишлоқларни тоза ичимлик суви ва табиий газ билан тўла таъминлаш борасида ҳам Абдукарим Матёқубовнинг хизматлари катта. Шу мақсадда Хўжамишкан сув омборидан Тўқбой қишлоғи атрофида ҳовуз қилинди. Ана шу ҳовуздан қишлоқларга сув қувурлар ёрдамида тарқатилади. Бунинг учун лойиҳа ҳужжатлари тайёр. Табиий газ ҳам Ховос туманининг Ж.Усмонқулов номли хўжалигидан олиб келинади. Табиий газ келтириш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга 100 минг сўм маблағ керак эди. Вақт тиғиз, маблағ эса сув билан ҳаводек зарур. Шундай вазиятда Абдукарим ака ўзининг шахсий деҳқон хўжалиги ҳисобидан кредит ажратишга жазм этди. Энди ҳамма гап тоза ичимлик суви келтириш учун икки километр, табиий газ олиб келиш учун 2,5 километр узунликдаги қувурни топишда қолди.

Тумандаги 26-автокорхона бозор иқтисоди шароитида қийинчиликка дуч келиб, ёқилғи бўлмаганлиги сабабли қишлоқлараро қатнайдиган автобус қатновини таъминлай олмаган бир вақтда бу вазиятдан чиқишнинг йўли топилди. А.Мамаёқубов ҳамқишлоқларидан бирига автокорхонадаги автобусни ижарага олиб беришни режалаштирди. Ижарага олинган автобус деярли узлуксиз туман марказига қатнаб туради. Абдукарим ака зиммасида яна бир масъулият бор. У салкам 500 хўжалиги бўлган қишлоқларга оқсоқол этиб сайланган. Турли урф-одатларни тартибга солиш ҳам унинг зиммасида. Лекин жамоатчилик юмушлари Абдукарим акани ҳеч қачон толиқтирган эмас.

**А.СОДИҚОВ,**
**Жиззах.**

---







# ХАЛҚОБОД НОНИ

Ажабланманг: Самарқанд нони ва яна аллақанча нонлар таърифини эшитганмиз, аммо бунисидан бехабар эканмизда деб. Яқин-яқингача биз ҳам шундай ҳаёлда эдик. Янгийўл шаҳридан ўтиб кетаётиб, бирровга кирганимиз йўл бўйидаги дўконда харидорларнинг ўзаро суҳбатлари диққатимизни тортди.

- Қўллари дард кўрмасин, еб тўймайсан киши. Бирам хуштаъм, бирам хушбўй.

- Бизникилар ҳам шунга ўрганишган. Уй нонига чиқариб юборсам ҳам, албатта бўрками, обими қўшиб келишади. Тўйимли, мазали дейишади.

- Нимасини айтасиз, болаларни алдаб бўлмайди - уларга маъқул тушдими, билингки, бу ерда бир гап бор...

Беихтиёр ўша «бир гап»га қизиқиб қолдик.

**Олган маълумотларимиз:**

**Янгийўл «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Одил Бекхўжаев номли нон корхонаси:**

**Қарийб 100 киши ишлайди, уларнинг 80 фоизи аёллар. Ўртача маош 4,5-5 минг сўм. Нон цехидан ташқари булочка-кондитер, макарон, музқаймоқ, салқин ичимликлар цехлари мавжуд.**

Наврўз қирқ кун давом этади, дейишади. Дарҳақиқат, хонадонларда, маҳаллаларда ва идора-ташкилотларда бўлсангиз, эркакларнинг серзавқ гурунги-ю, сумалак қайнаётган дошқозон атрофида ўйин-кулгу қилаётган аёлларнинг куй-қўшиқларидан бахри-дилингиз очилади. Корхонадаги кўтаринки кайфиятга бир чеккаси яна шу байрам ҳам сабаб. Турли-туман кўкатлардан тайёрланган сомса-ю баҳор таомлари то ҳануз «олинг қуда-беринг қуда» бўлиб, нонушта-ю тушлик дастурхонларини безаётир.

- Тўғриси, ишхона иккинчи уйимиз бўлиб қолган, - дейди касабақўм раиси Матлуба Ахмедова. Торозунинг бир палласида оила фаровонлиги ва бир палласида корхона нуфузи - ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати тургач, бошқача бўлиши мумкинми ахир! Меҳр-оқибат ҳам шунга яраша - иш ҳақи кўп, мукофоти хўп.

Чорак аср муқаддам у бу ерга ишчи бўлиб келган эди, бугун ишлаб чиқариш бошлиғи. Ўнлаб шогирдларнинг ардоқли устози. Матлуба опа каби меҳнатдан бахт топган ва обрў-эътибор қозонган ишчи-хизматчилар талай бу ерда: Анора Раҳматуллаева, Фотима Нурматова, Меҳри Ғофурова, Абдусалом Отажонов, Ҳабиба Мелибоева, Анвар Ортиқалиев, Иномжон Даминов...

Бизни бир нарса ҳайратга солди: суҳбатдошларимизнинг аксарияти ўн-ўн беш йилдан бери шу ерда меҳнат қилаётганликларини айтишди.

- Бизда иш қунимсизлиги деган гаплар йўқ. Негаки ишимиз ўзимизга ёқади,- дейишди улар. - Энг муҳими, маошларимизни вақтида олиб турибмиз. Таътилга чиқсак, яна бир ойлик маош миқдорида қўшимча тўлашади. Бундан ташқари...

Бозор иқтисодиёти турмуш тарзимизга ва бунинг натижаси ўлароқ онгимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Одамлар илгаригидан сахийроқ, айни пайтда пишиқроқ ҳам бўлиб қолдилар. Кимга ва нима учун бериш, кимдан ва нима учун олиш лозимлигини яхши билишади. Машҳур рўмонда таъкидланганидек, бу даргоҳдан ҳеч кимса норози кетмаслиги, бошқача қилиб айтганда, ҳар ким ўз меҳнатидан қаноат ҳосил қилиши керак.

Шу тариқа «бундан ташқари»нинг тагига етдик. Бу ерда ҳеч ким халтада унмиди, нонмиди ирғитиб девор ошиб юрмайди. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Тўй-маъракаларнинг бир учини корхона кўтаришини кўпчилик ўз тажрибасида кўрган. Нонми, марҳамат, ҳар куни тушликка киши бошига иккитадан буханка тарқатилади. Хоҳласин сотсин, хоҳласин уйига олиб кетсин...

Суҳбат асноси корхона директори Ўлмас ака Машарипов бир гапни айтди:

- Энг аввало одамнинг кўзи тўқ бўлсин. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг харидоргирлиги, биз билан шартнома тузган дўконларнинг ҳеч биридан шикоят тушмаётганлигининг ўзиёқ меҳнатимизга берилган муносиб баҳодир. Бунинг сири битта: одамларимиз корхона шаъни ўзлари учун бугун ҳам, эртага ҳам кафолатли иш ўрни ва мунтазам иш ҳақи билан таъминлаш гарови эканлигини яхши билишади.

Халқобод нони. Илк эшитганимизда эришроқ туюлганди. Корхона фаолияти ва унинг аҳил жамоаси билан яқиндан танишганимиз сайин қалбимизни юксак туйғулар эгаллай борди. Нима қилибди: бозор, бу рақобат. Рақобат бор жойда эса парвозлар бўлиши табиий.

**Зайниддин РИХСИЕВ.**

* * *

**Суратларда: Нон корхонаси цехларида**

**Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.**

---

*Биздан сўрабсиз*

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳ.Премқулов жавоб беради.**

**Савол: 1999 йил 12 феврал куни Ургут туман Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжалиги аъзолари билан биргаликда йиғилиш ўтказиб, хўжалигимиздаги бешта мутахассисга иш давомида ўз шахсий енгил автомашиналаридан фойдаланганликлари учун хўжалик ҳисобидан беш литр бензин берилсин деб қарор чиқарилди.**

**Хўжалик касаба уюшма қўмитасининг жамоа шартномасига ҳам бу қарор киритилган.**

**Бизнинг бу қароримиз қонунга хилоф эмасми?**

**Р.Хўжаметов,**
**Самарқанд вилояти, Ургут тумани.**

**Жавоб:** Амалдаги қонунчиликка биноан мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий ва бошқа тўловлардан ортган соф даромадлари шу субъектнинг мулки ҳисобланади ва ўз ихтиёрича тасарруф этади. Демак, бу маблағнинг мулкдори шундай қарор қабул қилган бўлса, бу қонунчиликка зид эмас.

**Савол: 1967 йилдан буён мусаввир бўлиб ишлаб келмоқдаман. Умумий иш стажим 1961 йилдан бошланган. Ҳозирги кунда саломатлигим ёмонлашуви сабабли касалхонада даволанмоқдаман. Шифокорлар ногиронлик пенсиясига чиқаришмоқчи. Шу ўринда мусаввирлар имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкинми ёки йўқми. Иложи бўлса, бу ҳақда маълумот берсангиз.**

**П.Ўшметова, Хоразм вилояти, Гурлан тумани.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 майдаги 249 сонли қарори билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган. Шу жумладан имтиёзли, яъни ёшидан қатъий назар умумий пенсия ёшидан ўн йил аввал, умумий пенсия ёшидан беш йил аввал пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи корхона, ташкилот, муассаса ва касб-ҳунар лавозимлар рўйхати тасдиқланган. Мусаввирлик касби бу рўйхатда назарда тутилган эмас. Бугунги кунда саломатлигингиз яхши бўлмаса тиббиёт муассасаларининг хулосасига кўра, ногиронлик пенсиясига чиқишингиз мумкин.

**Савол: Ҳар йили Наврўз байрами арафасида умумхалқ шанбалиги ўтказилади ва ўша кунлик иш ҳақи керакли ташкилот ва муассаса ҳисоб рақамига ўтказилади. Шу тариқа ходимнинг бир кунлик иш ҳақи ҳам чегириб қолинади. Менимча, «шанбалик» олти кунлик иш режимида ишлаётган ўқитувчининг ойлик маошига таъсир кўрсатмаслиги керак. Шундай эмасми? Шу ҳақда тушунтириш берсангиз?**

**А.Саломатов, Сурхондарё вилояти, Учқизил қўрғони.**

**Жавоб:** Бу ўринда Сиз ҳақсиз. Ҳар қандай «шанбалик» ихтиёрий равишда, асосий иш вақтидан ташқари ҳолларда ўтказилиб, ходимнинг иш ҳақига таъсир кўрсатмаслиги керак. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, шанбалик ихтиёрий бўлганлиги учун, агар меҳнат жамоаси розилик билдирса, бир кунлик ёки икки кунлик иш ҳақлари маълум бир мақсадга йўналтирилган ташкилот, орган ёки шунга ўхшаш муассаса ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин. Шу тариқа бу маблағ бошқа кўринишда ҳам сарфланиши мумкин.

---

**ФОТО АЙБНОМА**

## САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ ҚАЧОН ИШГА ТУШАДИ?

Бундан етти йил илгари Шаҳрисабз пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятининг саломатлик маркази қурилиши бошланганда, барча қувонганди, боиси, унда ажойиб клуб, чўмилиш ҳавзаси ва бошқа даволаш мажмуалари бўлиши керак эди. Катта маблағ сарфланиб 75 фоиз иш бажарилганда бунёдкорлик ишлари тўхтаб қолди. Мана икки йилдирки, чала ҳолдаги саломатлик маркази шаҳар кўркини бузиб турибди. У қачон ишга тушади?

Бу савол барчани бирдай қизиқтирмоқда.



**Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.**

